



## Ислом Нури

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир аёл қўлидаги гўдак боласини кўрсатиб: «Ё Расулуллоҳ, бунинг ҳажги ҳаж бўладими?», деб сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, сен учун ҳам савоб бўлади», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир аёл қўлидаги гўдак боласини кўрсатиб: «Ё Расулуллоҳ, бунинг ҳажги ҳаж бўладими?», деб сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, сен учун ҳам савоб бўлади», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир аёл қўлидаги гўдак боласини кўрсатиб: «Ё Расулуллоҳ, бунинг ҳажги ҳаж бўладими?», деб сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, сен учун ҳам савоб бўлади», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбаларида: «Ҳеч бир эркак бирор аёл билан унинг маҳрамисиз ёлғиз қолмасин. Аёл киши фақат маҳрами билангина сафар қилсин!», дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг аёлим ҳаж қилиш мақсадида йўлга чиқди, мен эса фалон-фалон ғазотга ёзилганман», деди. «Бор, аёлинг билан бирга ҳаж қил», дедилар (Имом Муслим ривояти).

### Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўдак боланинг ҳажги ҳам дуруст бўлишини ва уни ҳаж қилдирган киши ажрга эга бўлишини



айтганлар. Аёл кишини гарчи ҳажга бўлса-да, маҳрамсиз йўлга чиқишдан қайтарганлар, бир кишини ғазотдан қолиб бўлса-да аёлига ҳамроҳ бўлиб ҳажга боришга буюрганлар.

**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Балоғатга етмаган бола ҳаж қилиши жоиз, лекин бу фарз ҳаж ўрнига ўтмайди;
2. Уни ҳаж қилдирган кишига ажр бўлади;
3. Аёл киши ҳаж қилиши учун маҳрами бирга бўлиши шарт;
4. Аёл киши маҳрамсиз ҳаж қилиши жоиз эмас.